

5. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях // Банковское дело. – М., 1999. №9. – С. 150-151.
6. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.
7. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришида кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т., 2016. – Б. 28.
8. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т., 2020. – Б. 30.
9. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.
10. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. <http://www.bis.org/publications>.
11. ТИФ Миллий банки. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. Асакабанк. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. www.asakabank.uz
12. ТИФ Миллий банки. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. www.nbu.uz.
13. Тижорат банкларининг жамланма баланси. www.cbu.uz



ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИДА БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ходжимамедов Акмал Ашурович -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтини мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a18

Аннотация. Амалга оширилаётган рақамли технологияларнинг, биринчи навбатда, молия бозорига тобора кучайиб бораётган таъсири туфайли замонавий жаҳон иқтисодиёти трансформация ҳолатидадир. Мақолада банк тизимида инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалалари кўриб чиқилиб, уларни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: банк, инновация, экотизим, рақамли технологиялар, трансформация, ИТ.

ПУТИ ВНЕДРЕНИЯ БАНКОВСКИХ ИННОВАЦИЙ В ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ СИСТЕМЕ

Ходжимамедов Акмал Ашурович -
Соискатель Самаркандского
института экономики и сервиса

Аннотация. Современная мировая экономика находится в состоянии трансформации из-за растущего влияния внедряемых цифровых технологий, в первую очередь, на финансовый рынок. В статье рассматриваются вопросы разработки и внедрения инноваций в банковской системе, а также даются выводы и предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: банковское дело, инновации, экосистема, цифровые технологии, трансформация, ИТ.

WAYS TO IMPLEMENT BANKING INNOVATIONS IN THE MONETARY AND CREDIT SYSTEM

Xodjimamedov Akmal Ashurovich -
Researcher of Samarkand institute
of economics and service

Abstract. The modern world economy is in a state of transformation due to the growing influence of the implemented digital technologies, first of all, on the financial market. The article examines the issues of development and implementation of innovations in the banking system, and gives conclusions and suggestions for their improvement.

Keywords: banking, innovation, ecosystem, digital technologies, transformation, IT.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг трансформация жараёнини бошидан кечириши одатда технологик занжирларнинг алоҳида бўғинларига таъсир кўрсатувчи ва бутун жараёнларни қамраб олувчи рақамлаштириш деб аталади. Рақамлаштиришни жорий этишнинг иқтисодий натижаси бўлиб фойдаланиладиган меҳнат ресурсларини ва шунга мос равишда фойдалани-

ладиган инсон ресурсларини қисқартиришдан келиб чиқадиган барча ўзаро боғлиқ харажатлар ҳажмини камайтириш ҳисобланади. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимиз банк тизимида трансформация жараёни амалга оширилмоқда, бу жараён орқали тижорат банклари фаолияти рақамли иқтисодиётнинг технологик талабларига жавоб берадиган юқори хизмат кўр-

сатиш даражасига ўтмоқда. Рақамли трансформация бизнес моделларининг янада ривожланишига, банк тизимида интернет-банкнинг технологияларини такомиллаштиришдан тортиб, анъанавий пул-кредит операцияларини амалга ошириш жараёнини максимал даражада такомиллаштиришгача бўлган замонавий концептуал ечимларни жорий этишга ёрдам беради.

Жаҳон иқтисодиёти ва молия бозорларининг глобаллашуви глобал Интернет тармоғининг ҳал қилувчи роли, жамиятни электрон алоқа орқали глобал ахборот билан қамраб олиши билан боғлиқ бўлиб, қайта ишланган ва узатиладиган маълумотлар ҳажмининг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланади, бу эса банк процессинги билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи банкларнинг молиявий экотизимини шакллантириш, бизнес жараёнларни такомиллаштиришда инновацион услудлардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимиз банк тизимида трансформация жараёни амалга оширилмоқда, бу жараён орқали тижорат банклари фаолияти рақамли иқтисодиётнинг технологик талабларига жавоб берадиган юқори хизмат кўрсатиш даражасига ўтмоқда. Рақамли трансформация бизнес моделларининг янада ривожланишига, банк тизимида интернет-банкнинг технологияларини такомиллаштиришдан тортиб, анъанавий пул-кредит операцияларини амалга ошириш жараёнини максимал даражада такомиллаштиришгача бўлган замонавий концептуал ечимларни жорий этишга ёрдам беради.

Рақамли инновацион технологияларни жорий этиш банклар ва молия институтларининг самарали фаолиятида барқарор ва узок муддатли ўсишни таъминлашнинг барқарор платформаси ҳисобланади. Айнан рақамлаштириш жаҳон иқтисодиётида банк технологияларини ривожлантиришнинг замонавий стратегик устувор йўналиши ҳисобланади [1]. Банк тизимида содир бўлаётган ўзгаришларнинг асосий омили молиявий технологиялар ҳисобланади. Бироқ, банк тизими банк инновацияларини жорий этиш шароитида рақамли трансформация ва ўзгаришларнинг дастлабки йўлидан бормоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган трансформация жараёнлари бу иқтисодиёт тармоқларига рақамли жараёнларни кенг жорий этиш, рақамли ва телекоммуникация технологиялари ривожланиши шароитида мавжуд банк технологияларини рақамли трансформациялашнинг илмий-услубий масалаларини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадқиқотларнинг долзарблигини тасдиқлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Турли тадқиқотчиларнинг инновациялар моҳиятини изоҳлашга бўлган ёндашувларини ҳисобга олсак, уларнинг кўпчилиги инновацион фаолиятни илмий фаолият натижаси ва маҳсулот сифатида, бошқалари эса бозорда мавжуд бўлган ва шаклланаётган талабга мувофиқ равишда янги маҳсулот яратиш борасида фикр билдирганларини кўриш мумкин. Яна бир гуруҳ олимлар инновацион фаолиятни лойиҳани амалга ошириш самарадорлигини оширадиган жараён сифатида қайд этишган.

Л.В.Кох таъкидлашича, "... банк инновациялари – бевосита фойдаланувчилар учун ишлаб чиқилган ва мижозларнинг ўзлари томонидан қўлланиладиган, аввалги технологик инновацияларга нисбатан такомиллаштирилган, банк жараёнининг бир қисми бўлган замонавий инфокоммуникация технологияларига ўтказилган инновациялардир" [2]. Шу каби ёндашувлар Л.А. Зубченко [3], Н.В. Маренков [4], М.К. Спружевникова [5] каби иқтисодчи олимлар томонидан ҳам қайд этилган.

Иқтисодчи олим, профессор Д.Т.Ллевелин эса, "... улар мижозлар базасини кенгайтиришга қаратилган ахборот ва банк инновацияларининг юқори даражада интеграциялашувини, рақамли технологияларни жорий этиш орқали молия институтларининг иқтисодий самарадорлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлаш муҳим жараён" эканлигини таъкидлайди [6].

Т.Ю. Попова банк соҳасида рақамли инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг бутун жараёнини мураккаб, кўп босқичли ва кўп даражали юқори қийматга эга бўлган жараён сифатида изоҳлайди. Шу муносабат билан рақамли инновацияларни жорий этиш биринчи навбатда йирик тижорат банклари томонидан, жумладан рақамлаштириш лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [7].

Фикримизча, юқоридаги тадқиқотларга асосланиб "банк инновациялари" тушунчасининг моҳиятини молиявий технологияларни жорий этиш ва замонавий банк маҳсулотларини яратиш шароитида банк фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий-институционал шакллари ни ўзгартирувчи инновацион жараён сифатида изоҳлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Рақамлаштириш жараёни банк соҳасида молиявий технологиялар дебаталадиган лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга содир бўлади. "ФинТех" (молиявий технология, финтех) атамасининг пайдо бўлиши 1990-йиллар бошига тўғри келади. Профессор П.Шуфель ўз асарларида банкирларнинг банк технологияларини модернизация қилиш орқали банк хизматлари-

ни кўрсатишнинг бевосита жараёнини оптималлаштиришга қаратилган фаолиятини таъкидлаган [8].

Ишлаб чиқиладиган лойиҳаларга “FinTech” (молиявий технологиялар) номи берилди, улар инновацион бўлиб тақдим этиладиган молиявий хизматлар самарадорлигини оширишга олиб келди. Дастлаб, “финтех” тушунчаси молия институтлари фаолиятининг фон кўринишидаги технологик қобиғи эди [9]. Жорий этиш имкониятлари ва йўналишларини кенгайтириб, бу ҳодиса молиявий саводхонликни ошириш ва криптовалюталардан фойдаланишга қаратилган лойиҳаларни ҳам қамраб олди. Бошқа томондан, бу атама ўзининг концептуал моҳиятини ва ривожланиш йўналишларини кенгайтириб, глобал даражадаги ширга айланди ҳамда

молия тизимининг барча бўғинларига кириб борди [10].

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, SWOT, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Замоनावий иқтисодиёт шароитида банк секторининг нафақат банк фаолиятини ташкил этишнинг классик ёндашувларни ўз ичига олмоқда, балки кўп форматли ривожланиши кузатилмоқда. Молия соҳасига ахборот технологияларининг жорий этилиши замоनावий муаммоларни баҳолаш ва “банк инновациялари” тушунчасини тадқиқ этиш, уларнинг ўрни ва мазмунини замоनावий банк ишини ривожлантиришнинг асоси сифатида белгилаш заруратини келтириб чиқарди.

1-жадвал

Рақамлаштириш жараёнининг банк фаолиятини ташкил этишга таъсири

	Fintech	Необанклар	Big-Tech
Тавсифи	Юқори технологияли старт-аплар: P2P, FX, краудфандинг, криптовалюталар ва блокчейн	Банк лицензиясига эга юқори технологияли старт-аплар. Мустақил ёки катта компаниялар таркибида P2P, FX, краудфандинг ва микрокредитлаш	Глобал ёки маҳаллий технология етакчилари
Мисоллар	Ripple, Stipe, WeFinance	Starling, Monzo, Revolut	Amazon, Google, Facebook, Apple, Alibaba, Yandex
Кучли томонлари	Time2market, мижоз учун сифат, қулайлик, нарх	Классик банклар учун асосий таҳдид BigTech ва необанкларнинг синергияси	
		Time2market, сифат, қулайлик, мижозлар учун қулай нарх, банк лицензияси	Time2market, сифат, кенг қўламлилик, мижозлар базаси, BigData, банк бизнеси асосий эмас
Кучсиз томонлари	Мижозларнинг ишончи, молиялаштириш, банк экспертизаси ва бизнеснинг кенгайиши	Молиялаштириш ва бизнеснинг кенгайиши	Мижозларнинг ишончи ва банк соҳасида экспертиза
Истиқболлар	Банклар учун вендорлар / BigTech	Банк тизимининг муҳим бир қисми	Банклар учун рақобатчилар

Манба: илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, рақамлаштириш шароитида банк инновацияларини жорий этиш банклар олдида турган энг долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда банк фаолиятига қўлланиладиган инновацион ёндашув банк маҳсулотлари ва хизматларини кенгайтириш шароитларини яратади, банкда мижозларга хизмат кўрсатиш эволюциясини ўз ичига олади, бу эса банк хизматларини ривожлантириш самарадорлиги даражасини белгилайди. Сифат даражасининг ошиши ва банк маҳсулотлари қаторининг кенгайиши нафақат уларнинг ишлаб чиқилишига, балки банк мижозларининг бевосита банклардан маълумотларни олиш нуқтаи назаридан ахборот шаффофлигининг ошишига асосланади.

Банк инновацияларини жорий этиш икки томонлама таъсир кўрсатади:

- бир томондан, банк инновацияларини жорий этиш банк хизматларини модернизация

қилишни таъминлайди, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради ва тезлигини оширади, шунингдек, банк хизматларига бўлган талабнинг ўсишини таъминлаган, оптимал маржа даражасини белгилаш учун молиявий ташкилотлар рентабеллигини оширган ҳолда операцияларнинг кенгайишига олиб келади;

- бошқа томондан, рақамли соҳадаги операцияларга оммавий ўтиш кибертаҳдидлар кучайишига ва банк операцияларининг масофавий рақамли форматига фаол ўтиш билан боғлиқ амалга ошириладиган операциялар хавфсизлиги даражасининг пасайишига олиб келади [11].

Бу жараёнда банк инновацияларини минимал жорий этган ҳолда банк фаолият юришнинг анъанавий шаклини сақлаб қолиш янада салбий натижаларга олиб келади.

Молия тизимини рақамлаштириш эволюцияси*

Даври	Босқич	Хусусиятлари
1950 йиллар	Банк пластик карталарини жорий этиш ва чиқариш	Чакана банк хизматларининг ривожланиши
1960 йиллар	Банкоматларнинг пайдо бўлиши	Банк хизматларини масофадан кўрсатиш / фойдаланиш имконияти
1970 йиллар	Электрон савдо майдонлари, биржаларнинг (NASDAQ) пайдо бўлиши	Фонд бозорида интернет технологияларини жорий этиш
1990 йиллар	Молиявий технологияларнинг пайдо бўлиши	Анъанавий банк хизматлари билан рақобатлашувчи лойиҳаларнинг пайдо бўлиши
2000 йиллар	Молия тизимининг рақамлаштирилиши	Интернет технологиялари ва рақамли инновацияларнинг оммавий жорий этилиши

Манба: илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Банк секторига жорий этилаётган технологиялар самарадорликни ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни оптималлаштириш мақсадида мижозлар ва уларнинг маълумотлари билан ишлашга инновацияларни жорий этиш жараёнидир.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида банк фаолиятини ривожлантириш банк фаолиятининг мақсадли молиявий ҳолатига эришиш дастурининг қуйидаги элементларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради: рақамлаштириш шароитида таҳдидларни башо-

рат қилиш ва банкнинг молиявий хавфсизлиги даражасини аниқлаш модели; инновацияларни жорий этиш шароитида банкни ривожлантиришнинг молиявий режаси; банкнинг молиявий оқимларини бошқариш стратегияси; банк стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини автоматлаштирилган ҳолда баҳолаш [12].

Рақамли иқтисодиёт шароитида банк фаолиятининг мақсадли ҳолатига эришиш дастурини шакллантириш механизми қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. Рақамли иқтисодиётда банк фаолиятининг мақсадли ҳолатига эришиш дастурини шакллантириш

Манба: муаллифлик ишланмаси.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида банк инновацияларининг жорий этилиши қуйидагилар билан тавсифланади: банк хизматларида маржанинг пасайиб бориши ҳолатида банк бизнеси фойдасининг ошишини таъминлаган ҳолда самарали банк фаолиятини таъминлашнинг асосий элементи бўлган ва рақамли техно-

логияларга таянувчи миллий тўлов тизимининг ривожланиши содир бўлади.

Қўшимча банк маҳсулотларини ишлаб чиқишда банк инновацияларини жорий этиш мижозлар секторининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга шароит яратади, бу эса анъанавий банк хизматларига нисбатан устувор йўналишларни шакллантиришга имкон беради:

кам харажатли тезкор операцияларини ишлаб чиқиш; буюртма қилинган маҳсулотлар ва молиявий хизматларни яратиш ва жорий этиш; истеъмолчи билан ўзаро муносабатларнинг барча шаклларида банк иштирокини шакллантириш; smart ечимларни олиш алгоритмларини яратиш; телекоммуникация тармоқлари орқали молия бозорида банк хизматлари истеъмолчиларининг янги ижтимоий гуруҳларини қамраб олиш [13].


Мамлакатимиз банк тизимида мобил банкинг хизматларини деярли барча тижорат банклари амалиётга жорий этганлигини қайд этиш лозим. Масофавий банк хизматларини кўрсатиш турли банк операцияларни масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар комплекси. Бунинг учун банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб компьютер ёки мобил телефондан фойдаланиш кифоя.

Масофавий технологиялар миқозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P)

операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, он-лайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, он-лайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида рақамли технологияларни жорий этишнинг кенгайтирилиши ва шунга мос равишда масофавий банк хизматларини кўрсатиш амалиётининг ривожланиши натижасида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 20,2 млн.ни ташкил этган ҳолда 2017 йилга нисбатан қарийб 4,5 баробар кўпайган. Бу ҳолат, мамлакатимизда тижорат банклари томонидан миқозларга хизмат кўрсатишда қулай шарт-шароит яратиш мақсадида масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш ҳамда банк хизматлари оммабоплиги ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг ижобий натижаси сифатида изоҳланади.



2-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони (1 январь ҳолатига)

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг турлари кесимида таҳлил қилсак, жами фойдаланувчиларнинг асосий салмоғини, яъни 95,2 фоизини жисмоний шахслар ташкил этган. Шу билан бирга, масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг ҳар иккала турининг сони таҳлил этилаётган йиллар мобайнида кўпайиш тенденциясига эга.

Операциялар рентабеллигини оширадиган банк хизматлари таркибини шакллантириш банкларга банк инновацияларини ишлаб чиқиш

ва жорий этишга йирик миқдорда инвестициялар жалб қилиш имконини беради.

Банк секторида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилашдаги ислохотлар рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда бизнес мақсадларини шакллантиришга қаратилган банкларни бошқаришнинг устувор йўналишларидан иборат бўлган банкларнинг ИТ бўлимларининг олдинги асосий вазифаларидан бошлаб хизматларни янада трансформациялаш ИТ бўлимлари раҳбарлари олдида бизнесни трансформациялашга олиб келадиган

асосий қарорлардан иборат бўлган янада чуқурак вазибаларни қўйиш орқали босқичма-босқич амалга оширилди. Банк хизматларидан фойдаланишнинг автоматлаштирилган тизимлари орқали масофавий фойдаланиш ва масофавий банк хизматлари каналларини жорий этиш, масофавий банк хизматлари иштирокчилари ёки фойдаланувчилар сонининг кўпайишини рағбатлантириш, қайта ишланган маълумотлар ҳажмининг тез ўсишига ва натижада ИТ бўлимида юкнинг ошишига олиб келди.

Бошқа томондан, банк хизматларининг бутун йўналишларида иқтисодий рақамлаштириш шароитида банк инновацияларини жорий этиш асосида банк бизнес-жараёнини трансформациялаш ҳисобига иш ҳажмининг қисқариши кузатилди. Амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, ИТ бўлимининг функционал имкониятларини кенгайтириш ва банк тузилмасининг бошқа бўлиmlарининг иш юкини камайитириш билан боғлиқдир.

Интеллектуал дастурий таъминот; булутли технологиялар; Big Data, шу жумладан DataLake ва оператив хотирадаги маълумотлар билан ишлаш (in-memory); ресурсларни виртуализация қилиш; Open API; Open Source; тақсимланган реестрлар технологияси; микросервис архитектураси каби инновацион ахборот технологияларини жорий этишга асосланган банкларнинг ИТ архитектурасини трансформациялаш жараёнида бўлинмаларнинг таркибий тузилмаси ва вазибаларни қайта тақсимлаш содир бўлди [14].

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, тадқиқотлар натижасида банк инновацияларини жорий этиш икки глобал тенденция – жа-

миятни рақамлаштириш ва молиявий технологияларни жорий этишнинг ўзаро уйғунлашуви натижаси деган хулосага келдик. Бу тенденциялар глобаллашув ва ахборотлаштириш, виртуализация ва тармоқларни яратиш ҳамда улаш ва бошқаларга мос келадиган қайтариб бўлмайдиган хусусияти туфайли глобал тенденциялардир. Демак, банклар фаолиятига банк инновацияларини жорий этиш асосида иқтисодийнинг банк секторини трансформациялаш тизими ва кенг қўламли ҳодиса бўлиб банк ишини ривожлантиришнинг янги босқичидир.

Банк инновацияларини жорий этишнинг таъсири ва ривожланиши, рақамлаштиришнинг банк фаолиятининг барча соҳаларига кириб бориши муқаррар равишда иқтисодийнинг банк секторини трансформациялашувига олиб келди. Банк фаолиятини рақамлаштириш банк хизматларининг охиригистеъмолчилари, банклар ва давлатга катта фойда келтиради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, банк тизимида инновацион ва технологик тараққиёт мукамал молиявий тизимни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўсишига муқаррар ёрдам беради.

Банк хизматлари ва технологияларини ривожлантиришнинг оптимал инновацион ва технологик стратегияларини ишлаб чиқиш жараёнида афзалликларни ҳисобга олиш, шу билан бирга юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни прогноз қилиш ва банк операцияларини рақамлаштириш ва электрон тўловлар соҳасига хавфсиз ўтиш талабини ҳисобга олиш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Hsu, Po-Hsuan, Xuan Tian, and Yan Xu, 2014, *Financial development and innovation: Cross-country evidence*, *Journal of Financial Economics* 112, 116–135.
2. Кох Л.В. Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инноваций: автореферат дисс... д-ра экон. наук. – Иваново, 2010. – С.21.
3. Зубченко Л.А. Финансовые инновации, денежно-кредитная политика. //Вестник банковского дела. ИНИОН РАН. 2009.
4. Маренков Н.Л. Банковские инновации и новые банковские продукты //Среднее профессиональное образование. 2005. № 9. – С. 49-52.
5. Спружевникова М.К. Моделирование процесса внедрения новых банковских продуктов на примере пластиковых карт. //Финансы и кредит. 2002. № 22. – С.51-59.
6. Llewellyn D.T. *Financial innovation and the economics of banking and the financial system*, in Anderloni L., Llewellyn D.T., Schmidt R. (eds), *Financial innovation in retail and corporate finance*, Edward Elgar, UK. 2009.
7. Попова Т.Ю. Оценка эффективности финансовых инноваций, реализуемых банками с государственным участием. //Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2011. № 6.
8. Schueffel P. *Taming the Beast: A Scientific Definition of Fintech*. //Journal of Innovation Management. 2017. V. 4. Iss. 4.
9. Philippon T. 2018. *The FinTech opportunity*. White Pap. 2018-21, Pension Res. Counc. Wharton Sch. Bus., Univ. Pa., Philadelphia.
10. Schueffel P. *Taming the Beast: A Scientific Definition of Fintech*. //Journal of Innovation Management. 2017. V. 4. Iss. 4.
11. Vives X. 2017. *The impact of FinTech on banking*. *Eur. Econ. Banks Regul. Real Sect.* 2017. 97–108.
12. Merton R.C. (1995). *Financial innovation and the management and regulation of financial institutions*, *Journal of Banking & Finance*, 19(3-4), 461-81.
13. DeYoung, R. (2005). *The performance of internet-based business models: evidence from the banking industry*, *Journal of Business*, 78(3), 893-947.